

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадри устоз ва мураббийлар!

Авваломбор, дунёдаги энг улуг ва шарафли касб эгаси бўлган сиз, азизларни бугунги кутлуг айём – Ўқитувчи ва мураббийлар кунин билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг эзгу тилаклариمنى изҳор этаман.

Ушбу сана бундан 19 йил олдин Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк Юртбошимиз Ислам Абдуганиевич Каримов ташаббуси билан эл-юртимизнинг сизларга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромининг амалий ифодаси, умумхалқ байрами сифатида таъсис этилганини албатта ҳаммамиз яхши эслаймиз.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишни келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим шартини деб билган, сизларга ўзининг энг яқин маслақдошлари сифатида катта ишонч ва ҳурмат билан қараган Юртбошимизнинг ўзлари ҳам барчамиз учун меҳрибон устоз, талабчан мураббий эдилар.

Ислам Абдуганиевич Ватанимизни буюк муҳаббат билан севиш, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш, бу йўлда бор билим ва тажрибамиз, бутун борлигимизни сафарбар этиш борасида биз учун юксак ибрат мактабини яратиб кетдилар.

Жаҳон ҳамжамиятида "Ўзбек модели" деб тан олинган тараққиёт стратегиямизнинг ажралмас қисми бўлган замонавий таълим-тарбия тизими қисми асос солган, бу соҳани давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтариб, унинг ривожланиш йўллари аниқ белгилаб берган, "Бутун Ўзбекистон болалари – менинг азиз фарзандларим" деб уларни ҳаммиз эъзозлаган Ислам Абдуганиевич Каримовнинг ўлмас тарихий хизматларини бугунги ва келгуси авлодлар доимо чуқур миннатдорлик билан ёдга олади.

Улуг устозимизнинг эзгу ғоя ва васиятлари асосида таълим ва тарбия соҳасидаги туб ислохотларни юксак босқичга кўтариш, мамлакатимизнинг тақ-

дири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлод кадрларини вояга етказишга қаратилган ишларни изчил давом эттириш ҳаммамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас бурчимиз бўлиб, биз бу йўлда биринчи навбатда сиз, азизларга, сизларнинг билим ва малакангиз, тажриба ва маҳоратингизга таянамиз.

Азиз дўстлар!

Сизларнинг ёшларимиз қалби ва онгига она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини синдириш, уларни турли таҳдидлардан асраш, қомил инсон этиб вояга етказиш йўлидаги бекиёс хизматларингизни барча ота-оналар, жамоатчилигимиз, бутун халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айни пайтда бугунги кунда олдимизда янада муҳим ва долзарб вазифалар турганини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу борада илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, унинг нафақат давр билан ҳамоҳанг бўлишини, балки замондан олдинда юришини таъминлаш, педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг илғор усулларида кенг фойдаланиш, бу ишларни хориждаги нуфузли марказлар билан ҳамкорликда олиб бориш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, ўқитувчи ва домлаларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини ҳар тарафлама рағбатлантириш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш, қисқа қилиб айтганда, ҳаётимизга катта куч бўлиб қираётган янги авлодимизни камол топтириш учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар сафарбар этилади.

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Сиз, азизларни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунин билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сизга саломатлик, хонадонларингизга файзу барақа, ҳаётда ва меҳнат фаолиятингизда бахт ва омадлар ёр бўлишини тилаймиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
вазифасини бажарувчи.

Бугун – Ўқитувчи ва мураббийлар кунин



Халқимизда "Устоз отангдан улуг" деган нақл бор. Бу келажақ ворисларини қомил инсон даражасида тарбиялашдек улуг ишга борлигини сафарбар қилган, қалби дарё устоз ва мураббийларнинг заҳматкорона меҳнатига энг муносиб, энг юксак баҳо-дир.

2

Очерк

ОЙБУЛОҚДАН ТАРАЛГАН ЁҒДУ

Мактаб кўнғироғи ўқувчилар учун дарс бошланганини аниқлатади. Ўқитувчи учун эса буни бамисоли огоҳлик кўнғироғи, деса бўлади. Дарс ўтишга тайёрмисиз? Ўқувчиларга бугун нима берамиз? Дарсингизда йигирма-ўттиз чоғли ўспириннинг ҳар бири қирқ беш дақиқани беҳуда ўтказса, ҳаммаси бўлиб қанча вақтни, қанча имкониятни бой берган бўласиз?

Бу – оҳангаронлик ўқитувчи Саломат Абдуқодированинг гапи. Йигирма уч йилдирки, кадрдон мактаб остонасига ўқувчи эмас, ўқитувчи бўлиб қадам қўяр экан, мураббий ҳаёлини мана шу ўйлар чулғаб олади...

У тумандаги 8-умумий ўрта таълим мактабиде эртаимиз давомчилирига қадарроқ бўлган ўқитувчининг ҳам шошириб қўяди.

Қадар мушкул. Айтайлик, она тили, адабиёт, тарих каби фанлардан "аъло"га ўқиган ўқувчининг физика-математика, кимё дарсларига "тиши ўтмай" қолиши мумкин. Баъзан эса мактаб дарсликларида шундай мураккаб формула ёки тенгламалар учрайди, улар оддий ўқувчининг билими ҳамини қадарроқ бўлган ўқитувчининг ҳам шошириб қўяди.

Давоми 2-бетда.

Қарор ва ижро

ЯНГИ ДАСТУР РЎЁБИ

Вилоят аҳолиси турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади

Бугун мамлакатимизда рўй бераётган туб ижобий ўзгаришлар ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва сиёсий ҳаётимизда чуқур из қолдирмоқда. Ислохотлар, аввало, фуқароларнинг ҳаёт фаровонлигига хизмат қилмоқда. Бу "Ислохот – ислохот учун эмас, инсон учун" тамойилининг изчил амал қилаётганидандир.

Ислохотларнинг тобора чуқурлаштирилиётгани узок истиқболга мўлжалланган стратегик йўналишларни белгилаб олишга замин яратмоқда. Бу эса макро-иқтисодий барқарорлик ва саноатни жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Натижада, ялпи ички маҳсулот 6 баробарга ошди. Иқтисодий тармоқларини диверсификация қилиш, фол инвестиция сиёсатини амалга ошириш орқали энг сўнгги русумли технологиялар билан таъминланган янги тармоқларга асос солинди. Жумладан, автомобилсозлик, нефть-газ-кимё, электротехника, темир йўл, замонавий қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги, тўқимачилик, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати янгидан йўлга қўйилиб, мавжудлари кенгайтирилди.

Изчил иқтисодий ислохотларнинг самараси ўларок, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ва аҳолини қўллаб-қувватлашга ҳар йили давлат бюджетининг салкам 60 фоизи миқдорда маблағ йўналтирилмоқда. Бу жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз қучаяётган, айрим давлатларда бюджет танқислиги вужудга келаётган, солиқларнинг ошishi кузатилаётган бир даврда мамлакатимизда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашга қаратилган давлат сиёсатининг натижасидир.

Давоми 2-бетда.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўқитувчи ва мураббийлар кунин муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнэк кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони мувофиқ, мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси, таълим-тарбия тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёшларга илм-фан асослари ва замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги фидойилиги ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки, шунингдек, юртимизда таълим тизимини ривожлантириш, ўқув жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш, чуқур билим ва касб-хунарга эга малакали кадрларни тайёрлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

"Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси"

Фозилова Раъно Тўлағановна – Чиноз туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

"Меҳнат шухрати" ордени билан

Абдурахманов Озод Дехканбоевна – Қуйи Чирчиқ туманида 25-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси

II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан
Турсунплатов Абдор Набиевич – Тошкент вилоятидаги иқтисодлаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббий

"Дўстлик" ордени билан

Капитанов Юрий Петрович – Бекобод саноат касб-хунар коллежининг ишлаб қилириш таълими устаси

"Шухрат" медали билан

Абдуразакова Меҳриниса Раимбердиевна – Ангрен педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Жиянов Хасанбой Эгамқулович – Бекобод шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

Қиличев Тўлқин Махмурович – Чирчиқ олимпия захиралари коллежининг бокс бўйича бош мураббийи
Шоҳўжаев Шоқосим Сидикович – Оққўрғон агро-саноат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежининг физика фани ўқитувчиси

4 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунин

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИ УЧУН СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Тошкентда Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари учун онлайн семинар-тренинг ташкил этилди. Унда Марказий сайлов комиссияси ва барча округ сайлов комиссияларининг аъзолари, матбуот марказлари раҳбарлари, сайлов ҳуқуқи бўйича экспертлар, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган семинар округ сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва уни амалиётда қўллаш бўйича билим ва қўникмаларини янада мустаҳкамлаш, округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил қилиш, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов шу йил 4 декабрда бўлиб ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ҳаётидаги ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа эканини алоҳида таъкидлади. Юртимизнинг келажаги, унинг янада тараққий этиши бўлажак сайловнинг юқори савияда ташкил этилиши, унда тайовчиларнинг фаолигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мустақиллик

дай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказиш таъминлайдиган, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақомига эга. У ўз фаолиятини мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлик принциплари асосида олиб боради.

Семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид қонун ҳужжатлари ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Асосий тадбирлар дастурига мувофиқ сайловга тайёргарлик қўрилаётгани айтиб ўтилди. Сиёсий партияларга сайловда иштирок этишга ижозат берилди. Сайлов округлари ва округ сайлов комиссиялари шакллантирилиб, уларнинг фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Сайловнинг очиқ ва ошкоралигини, транспарентлигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтқа-

зилмоқда, халқаро кузатувчиларга таклифнома-лар юборилди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга мувофиқ округ сайлов комиссиялари зиммасига қатор вазифалар қўйилган. Сайловга оид қонунларнинг округ ҳудудидаги ижросини назорат қилиш, унинг бир хилда қўлла-нилишини таъминлаш шулар жумласидандир. Улар, шунингдек, сайлов участкаларини тузади, уларнинг округ бўйича тартиб рақамини белги-лайтиб ҳамда манзилни кўрсатган ҳолда рўйхатини эълон қилади. Учас-та сайлов комиссия-рини мувофиқлаштириб боради. Сиёсий партия-лар вакилларининг, сай-лов округи ҳудудида жойлашган қорхоналар, муассаса ҳамда ташки-лотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа ма-салаларга бағишланган маърузалар тингланди.

Семинар иштирокчи-лари Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти сай-ловини ёритиш бўйича Республика матбуот мар-кази, Тошкент шаҳар ок-руг сайлов комиссияси фаолияти билан танишди.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

Бугун – Ўқитувчи ва мураббийлар кuni

СИЗГА ОЛҚИШ, СИЗГА ЭҲТИРОМ

Кеча Ўрта Чирчиқ туманида вилоят ҳокимлиги томонидан таълим тизимида самарали фаолият юритаётган ўқитувчиларни касб байрамлари муносабати билан тақдирлашга бағишланган тадбир ташкил қилинди. Унда вилоят ҳокими вазифини бажарувчи Исроҳон Эргашходжаев иштирок этиб, устозларни касб байрами билан самимий кутлади.

– Ҳар йили Ўқитувчи ва мураббийлар кuni мамлакатимизда кенг миқёсда нишонланади. Биз устозларга кўрсатилган бундай юксак эътибор, шубҳасиз, зимманингизга улкан масъулият юклайди, – дейди Пискент туманидаги 1-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Фотида Обидова. – Ўқитувчининг вазифини болага билим бериш, уни юрда муносиб фарзанд этиб тарбиялашдир. У ҳар бир дарсга пухта ҳозирлик кўрса, кўргазмалар воситалардан кўпроқ фойдаланса, албатта, муваффақиятга эришади. Бугун мамлакатимизда таълим тизимига қаратилаётган эътибор, ўқитувчиларга қилинган им-

кониятларни кўриб, шу кунларга шукрона айтаман. Касбимни жуда севаман. Болалар жони дилим. Ҳар бир ўқувчим сабоқларни юқори даражада ўзлаштиришини истайман.

Ўтган йиллар мобайнида юзлаб устоз-мураббийлар Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Кўй Чирчиқ туманидаги 25-умумий ўрта



дент Фармонига кўра "Меҳнат шухрати" орден билан тақдирланди. – Дарс жараёнида ўқувчининг ҳаяжонини кўриб, юрагим завққа тўлади. Унинг кўзидаги ҳайрат, билимга чан-

шаман: бугунги кун боласи бошқача. Чунки, улар Мустақил Ўзбекистоннинг фарзандлари-да. Ҳар бирининг қизиқиши, интилишларига муносиб рағбат бера олиш, қўллаб-қувватлаш ўқитувчидан юқори билим ва малака талаб этади. Болаларнинг таълим-тарбиясига, келажагига юксак эътибор бераётган давлатнинг эртаси, албатта, порлоқ бўлади.

Тадбирда таълим-тарбия соҳаси раҳбарлари муносиб ҳисса қўшаётган устоз ва мураббийлардан бир гуруҳи вилоят ҳокимининг фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган суратлар.



таълим мактаби ўқитувчиси Озода Абдурахмонова ана шундайлардан бири. Муаллима Ўқитувчи ва мураббийлар кuni арафасида Президи-

қонлик зиммамга улкан масъулият юклайди, – дейди Озода опа. – Ўқувчиларнинг салоҳияти, билимга интилишини кўриб, ҳайратга ту-

ФИДОКОРЛИК ЭЪТИРОФИ

Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган тадбирда институтнинг профессор-ўқитувчилари ва малака ошираётган тингловчилар иштирок этди.



Ўқувчиларимга вазифа бериб, ижросини кутдим. Зум ўтмай, улар бирин-кетин чуғуллай бошлади: – Мен вазифани бажариб бўлдим, устоз... – Устоз, мен айтмай... Шу пайт Робия исмли ўқувчим: – Ойи, мен жавоб берсам майлими? – деб қолди.

Шу бир оғиз калом боис синфдаги шовқин бирдан тинди...

Салкам ўн йиллик педагогик фаолиятим давомида бундай ҳолатлар кўп бўлган. Балки бола, ўзи билмаган ҳолда "ойи" деб юборар. Лекин, бу сўз мен учун барибир ёқимли. Кейфиятимни кўтарди. Яна болалик хотираларимни ҳам ёдга солиб юборди. Биринчи ўқитувчим Зебо Маматмуратовани онамдай яхши кўрдим. Ота уйим – қишлоққа қачон йўлим тушса, устозни йўқлаб бораман.

Ҳар доим шундай. Устоз саломимга алик олади-ю, бағрига босади. Димомимга райхон иси урилади. "Сиз ҳеч ҳам ўзгармагансиз, устоз, – дейман. – Эндигина ёзишни ўргатаётган пайтларингизда ҳам чаккангизда бир жуфт райхон япроғи бўларди".

Кўпгина юрагимнинг туб-тубидан нимадир юзага қалқиб чиқади. Ушундай пайтларда устозим ёнида бўлгим, мириқиб сўзлашгим келади. Лекин ҳар доим ҳам иложини топа олмаيمان. Чора-

сизликдан ёш боладай хаёлан сўзлашамаман.

...Устоз, билмайсизда, синфдошларим сизни мендан қанчалар қизганар эди. Йўқ, аксинча, мен сизни ҳаммадан қизганардим, десам тўғри бўлади. Эслайсизми, Алишер исмли партадошимнинг рӯч-

дасликлар, мультимедиа-ли қўлланмалар ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд шароитда ишлаяпман. Сиз дарс берган пайтлар аҳвол қандай эди-я? Яхшироқ ўқийдиган ҳар беш-олти болага битта, ўртача ўқуштирадиган икки-уч ўқувчига битта дарслик бериларди...

Ҳозир мактабимиз хоналари кенг ва ёруғ, замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Ўқитувчининг меҳнати эса қадрланиб, рағбатлантирилаётган даврда яша-

япмиз. Шундай шароитда таълим-тарбия бераётган мана у, танлаган касбимнинг нечоғли машаққатли эканини ҳис қилаёпман.

Дарвоқе, сиз айтган – ўзимдан анча ўтиб тушадиган ўқувчиларим кўп. Улар билан бир муддат ўтилган мавзу юзасиданми, келгусидаги режалари ҳақидаги инглиз тилида гаплашганимдан сўнг ўзимни бахтиёр ҳис қиламан, қушдек енгил тортаман.

Мана бугун ҳам дарсларни яқунлаб, уйга қайтаёпман. Қайтаёпман-у ҳа-ёлларим ҳали ҳам сиз билан. Остона ҳатлаб уйга кираман. Онам меҳмон бўлиб келибди. Волидам ўғлимни қўлидан қўймай, мени ҳам бағрига босади.

Дарсликлар, мультимедиа-ли қўлланмалар ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд шароитда ишлаяпман. Сиз дарс берган пайтлар аҳвол қандай эди-я? Яхшироқ ўқийдиган ҳар беш-олти болага битта, ўртача ўқуштирадиган икки-уч ўқувчига битта дарслик бериларди...

Ҳозир мактабимиз хоналари кенг ва ёруғ, замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Ўқитувчининг меҳнати эса қадрланиб, рағбатлантирилаётган даврда яша-

япмиз. Шундай шароитда таълим-тарбия бераётган мана у, танлаган касбимнинг нечоғли машаққатли эканини ҳис қилаёпман.

Дарвоқе, сиз айтган – ўзимдан анча ўтиб тушадиган ўқувчиларим кўп. Улар билан бир муддат ўтилган мавзу юзасиданми, келгусидаги режалари ҳақидаги инглиз тилида гаплашганимдан сўнг ўзимни бахтиёр ҳис қиламан, қушдек енгил тортаман.

Мана бугун ҳам дарсларни яқунлаб, уйга қайтаёпман. Қайтаёпман-у ҳа-ёлларим ҳали ҳам сиз билан. Остона ҳатлаб уйга кираман. Онам меҳмон бўлиб келибди. Волидам ўғлимни қўлидан қўймай, мени ҳам бағрига босади.

Халқ ёғинида ким сени бир ҳаффа ўқитиши ранж ила, Алламаси ёғини мас адо оини ҳақини юз ранж ила.

Алишер НАВОЙИ.

Бошланғич 1-бета.

□ Қарор ва ижро

ЯНГИ ДАСТУР РЎЁБИ

Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Тошкент вилояти шаҳар ва туманларини ўзаро уйғунлиқда ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди. Унга кўра, 2016 йилдан 2018 йилга қадар вилоятнинг иқтисодиёт тармоқларини уйғунлиқда ривожлантириш белгиланган. Мамакат иқтисодиётида етакчилик қилаётган саноат корхоналари айна вилоят ҳудудига жойлашгани боис, мамлакат ялли ички маҳсулотидан вилоят саноат ишлаб чиқаришининг салмоғи анча юқори. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғи ҳам бошқа вилоятларга нисбатан юқорили-

ги вилоятнинг катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга эканидан далолатдир. Дастурда вилоятнинг ҳали тўла ишга солинмаган имкониятларидан самарали фойдаланиш белгиланган. Вилоятда кейинги йилларда саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ ҳўжалиги, пуллик хизмат кўрсатиш 8-15 фоиз ўсди. Айниқса, "Ангрен маҳсулоти индустриал зонаси"да 30 дан ортиқ инвестиция лойиҳалари асосида ишлатилган нефть маҳсулотларини қайта ишлаш орқали мой тайёрлаш, чары буюмлар, сопол плиталар, мис кукурлар, санитария-техника ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани вилоят аҳолисининг турмуш фаровон-

лигини оширишга хизмат қилмоқда. 2016-2018 йилларда вилоят шаҳар ва туманларини уйғунлиқда ривожлантириш дастури орқали янги саноат корхоналарини барпо этиш, ишлаётганларини модернизация қилиш, техника ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича 648 та инвестиция лойиҳасини изчил амалга ошириш режалаштирилган. Бу тадбирларга 632 миллион 733,1 минг долларга тенг миқдорда инвестициялар киритиш натижасида 11 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилибди. Бу дастур нафақат иқтисодиёт тармоқларини янада кенгайтириш, балки аҳоли фаровонлигини таъминлашга ҳам хизмат қила-

ди. Чунки, дастурда вилоятнинг хом ашё базасини янада ривожлантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариши қўлайлаштириб белгиланган. Унга кўра, сабзавотчиликда 374 та, боғдорчиликда 428 та, узумчиликда 235 та, балиқчиликда 149 та, чорвачиликда 406 та ва бошқа соҳаларда жами 2375 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Мазкур тадбирларга 318 миллион доллардан зиёд маблағ йўналтирилиб, 12 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Чора-тадбирлар дастури амалга ошириш доирасида замонавий ускуна ва ресурсларни те-

жайдиган технологияларни кенг жорий этиш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлашни қўлайлаштириш орқали Қўқўрғон, Бекобод, Бўқа, Қўқўрғон, Паркент, Юқори Чирчиқ ва Чиноз туманларини санотлаштириш даражаси янада юксалади. Бу ёш мутахассисларни етиштириб бераётган вилоят ўрта маҳсулоти, касб-ҳўнар таълими ривожига, ёшлар учун қўллаб-қувватлаш иш ўринлари яратилишига хизмат қилади. Мухтасар айтганда, Тошкент вилоятига берилган бундай имкониятдан оқилана ва самарали фойдаланиб, белгиланган тадбирларни изчил амалга ошириш халқ фаровонлигини янада юксалтиради.

Шухрат ТУРСУНБЕКОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати.

«МЕҲР НУРИ ЁҒАР ДОИМ...»

Ҳар кун эрта тонгдан жонажон мактабларига ошиқайтган бола-жонларни ҳеч кузатганмисиз?! Уларнинг юз-кўзидаги интиқликни-чи?! Ўқувчиларни оҳанрабодек ўз бағрига чорлаётган мактаб нима учун шунчалар қадрдон, шунчалар сеvimли? Бунга сабаб мактабни қуёшдек ёритиб турган меҳри дарё ўқитувчилар десак асло адашмаймиз.

Зангиота туманидаги 58-умумтаълим мактабидан 40 га яқин шундай бағри

кенг ўқитувчилар 750 дан зиёд ўқувчиларга таълим-тарбия беради. Улар ора-



сида бошланғич синф ўқитувчиси Фаридхон Усмоновани болажонлар ўз оналаридек яхши кўришлари бежиз эмас. Меҳрибонлик, самимийлик, жонқуярликни дилдан ҳис этаётган ўқувчиларнинг билим олишга иштиёқи ҳам кучли бўлади.

Бугун болажонлар азиз устозла-

рини касб байрамлари билан кутлар экан, шу эзгулик мурғак қалбларни меҳр нурига лиммо-лим тўлдиргани шубҳасиз. Фаридхон каби чин инсонийлик китобида ҳикмат битаётган устозларга қарата: "Ҳамиша бор бўлинг", дейишад ўқувчилар.

Саид РАҲМОНОВА,
Даврон АҲМАД
олган сурат.

ОЙБУЛОҚДАН ТАРАЛГАН ЁҒДУ

ланди. Улар сафидан биз ҳикоя қилаётган муаллима ҳам бор. Саломат Абдуқодирова соҳадаги кўп йиллик фидокорона меҳнатлари учун Президент Фармонига мувофиқ "Меҳнат шухрати" орден билан муко-

фотланган. Муаллим сўхбатига қулоқ тутиш асосида ён дафтаримизга қўйидаги хулосаларни қайд этиб борамиз: ўқувчиларнинг фан-

ларни дарсдан сўнг бафуржа давом эттирган пайтларимиз кўп бўлган...

Назаримизда, ўқитувчи учун дарсини нима билан, қандай бошлаб олиш ҳам жуда муҳим. Битта топиб айтилган гап ёки битта ноодатий усул бутун дарс руҳини белгилаб беради. Бунга яхши тушушган Саломат Абдуқодирова шогирдлари учун ҳамиша мисоли ўқилмаган китобдек бў-

«Ўқувчининг ўзлаштириш даражаси паст бўлса, унинг сабабини бундан изламаган маъқул. Ёдингизда бўлса керак, бир пайтлар мактабларда табиий фанлар бўйича ўқувчиларнинг билим даражаси жуда қониқарсиз аҳволда бўларди. Кейинчалик, педагогик ўқувчининг чекимизга тушган пайтларда англаб етдикки, бунинг бош сабаби: ўша пайтларда табиий фанларни ўқитиш технологиялари батамом эскича бўлган экан...»

ни ўзлаштириш кўп жиҳатдан ўқитувчи танлаган методнинг қанчалик тўғри ва ҳаётга яқинлигига боғлиқ. Фан нуқтаи назарини, дейлик, қимёвий ҳодисаларни оддий кундалик турмуш билан боғлаб олмаган ўқитувчи мақсадга эришолмайди. Шу боисдан, у ҳар сафар дарсга киришдан аввал пухта тайёрланиши, мавзуга оид қўшимча маълумотлар, далиллар топа билиши лозим.

– Мана, оддий сув – "H₂O"ни олайлик, – дея фикрини давом эттирди қимёгар. – Унинг хоссаларини ёддаги тушунириб бериш осон, лекин ҳар сафар шу мавзунини ўтаётганда ўзимни ҳудди профессор қаршида имтиҳон топираётган талабадай ҳис қиламан. Ахир, болажонларга нимадир янги гап айтгим келади-да. Дарслик билан чекланиб

лишга, дарс муқаддима-сига нимадир янгилик киритишга интилади. Ишқилиб, ўқувчилар эрикиб ё безиб қолишмаса бас. Шу боис, синфга кирисолиб, йўқлама дафтарини очмайди, гапни танбехдан бошламайди. Масалан, ўтган машғулотларни бир кўр ёдга олиш баҳонасида ўртага савол ташлайди:

– Нима сабабдан ҳар бир мусбат ионнинг атрофида манфий ионлар жойлашади?

Дарвоқе, биз тилга олган мактаб жойлашган Ойбулоқ қишлоғи ёқалаб Ангрен дарёси оқади. Унинг бир ирмоғида қадимий чархпалак бор. У кечаю кундуз тўхтовсиз айланаркан, "ҳовуч"ида бир қатра сувни пастдан юқорига кўтариб, чоратрофта оби-ҳаётдан насиба улашади. Саломат Абдуқодирова ҳам қадрдон даргоҳга ҳудди шу азим чигирини ёнидан ўтиб келади. Қизиқ, у ўзининг ҳар кунги меҳнати мана шу чархпалак заҳматига тенг эканини билармикин?

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

АКТ: ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2013 йил 27 июнидаги "Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизими янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда мамлакатнинг Миллий ахборот-коммуникация тизimini ривожлантириш комплекс дастури ушбу соҳани янада такомиллаштиришга хизмат қилаётир. Дастурга асосан, мушаккилликда кечган 25 йилда ёшларнинг келажагини ўйлаб олиб борилган кенг кўламли ислохларда олий таълим тизимини янада такомиллаштириш, жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлаш кўзда тутилди. Бунинг учун олий ўқув юртиларида талабаларни ўқитиш услубини тубдан яхшилаш, етук мутахассисларни тайёрлаш жараёнида замонавий техника ва янги ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Албатта, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ҳаётимизнинг барча соҳаларига, айниқса, таълим тизимига жадал кириб келиши табиий ҳолдир. АКТ воситаларидан самарали фойдаланишга тайёр бўлиш, айниқса, талабалар учун заруратга айланмоқда. Чунки, барча олий таълим муассасалари ка-

назар, талабалар билан бир қаторда "Проводник" ва "Total Commander" дастурларида ишлашда етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

Талабалар ва профессор-ўқитувчилар интернетдан зарур маълумотни қидириш, юклаб олиш, медиадарсларни ташкил этишда MS PowerPoint дастурида

Жараён

слайдлар яратиш ва уларга анимация, овоз, флэш-роликлар ўрнатиш, шунингдек, ҳуқуқий ахборот ва техника хавфсизлиги бўйича дастлабки зарур билимларга эга бўлишлари давр талабидир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Биринчи Президентининг: "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз", деган давлаткорона хитобларига таяниб, техника ва технология жадал тараққий этаётган ҳозирги даврда профессор-ўқитувчилар ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиб, билимли ва интеллектуал салоҳиятли кадрларни тарбиялаш ва таълим самарадорлигини оширишга катта ҳисса қўшади.

Ҳозирги вақтда кафедрамизда жаҳон андозаларига мос келадиган янги давлат таълим стандарти асосида "Қишлоқ хўжалигида ахборот технологиялари" фанидан ҳорижий адабиётдан қилинган таржима ва кафедра профессор-ўқитувчиларнинг узок йиллик тажрибаларидан келиб чиқиб, фан учун янги ўқув дастури тузилди ва шу асосда маъруза матнлари тайёрланди. Малакали ўқитувчилар уларни талабаларга етказишни бошлашди.

Дарслар энг замонавий педагогик ва ахборот технологиялари ёрдамида профессор-ўқитувчилар томонидан мушаккил ташкил этилмоқда. Бунда компьютер, видеопроектор, электрон доска ва экран каби замонавий воситалардан фойдаланишга тўғри келади. Шунинг учун барча профессор-ўқитувчилар қайси фандан дарс беришидан қатъи

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Оққўрғон туманининг Сирдарё соҳилидаги қадимий Шохруҳия харобалари бағрида яширинган сир-синаотлар неча-неча замонлардан бери тарихимиз жонқурлари эътиборини жалб этиб келмоқда. Дастлаб Харашкент, кейинчалик Бинокент, шу кунгача эса Шохруҳия номи билан машҳур ушбу тарихий ёдгорлик хусусида турли-туман фикр-мулоҳазалар бор.

Ривоятга кўра, Облик (Ангрен шаҳри) қишлоғида чўпонлик қилиб юрган йигитнинг улоқчаси томага чиқиб кетибди. Эгасидан кўрққан чўпон йигит уни томага-тоғ қувиб, ниҳоят, шомга яқин бир жойга етганда тутиб олиб, бировдан: "Қаердаман?" деб сўраса, "Бинокентдасиз!" (яъни, ҳозирги Оққўрғон) деб жавоб берибди. Обликдан Бинокентга 10-12 фарсах (1 фарсах – 8 км.) масофа яхлит бир ўлка бўлиб, томлари туташиб кетган, аҳолиси эса, зич экан.

Эраминдан олдинги II-I асрларда яшаган юнон олими Страбон ёзиб қолдирган маълумотда "Сирдарё атрофида яшовчи халқлар темир нималигини билишмайди. У ерда олтин ва қумш кўп бўлганидан, от-улов, уй-рўзғор буюмларини олтин ва қумшдан ясашган", деб ёзади. Шунинг учун Искандар Зулқарнайн бу ерларни босиб олишга ҳаракат қилган.

Бинокент македония, араб, хитой босқинлари, Чингизхоннинг қонли ҳужумларини бошидан ўтказган. Айрим босқинчилар Бинокентни ойнаб қамал қилганлар. Аҳоли

бола-чақа, бемор ва кексаларни сақлаб қолиш учун ертўла, хандақ ва уларни бириктирувчи ер ости йўлларини қозишга мажбур бўлган.

Уларнинг билаларига темирни қиздириб, ой ва қуш акс эттирилган тамгалар босилган. Бу белгилар қочанларни қидириш ва топилганларини эгаларига қайтариш мақсадида қўйилган. Кейинчалик қулар сақланган бу жойларда Ойтамғали, Қўштамғали, Элтамғали қишлоқлари пайдо бўлган.

1370 йиллардан кейин Сохибқирон Амир Темур

ХАРОБАЛАР БАҒРИДАГИ СИНОАТ



1210 йилда Чингизхон 250 минг кишилик лашкари билан Марказий Осиёга ҳужум бошлади. Дастлаб Канг подшолигини, кейинчалик Шохруҳия (Бинокент)ни ҳам эгаллайди.

Босқинчилар асир тушган эркакларни қул, аёлларни чўри қилиб, яқинларига бўлиб беришган.

бошчилигида мўғуллар зулмидан озод бўлинган, вайроналар қайта тикланиб, ободонлаштирилди. Шу пайтларда Сохибқироннинг тўртинчи ўғли Шохруҳ Мирзо дунёга келди. У беш ёшга тулғанида Бинокент номи Шохруҳия деб ўзгартирилди. Амир Темур вафотидан кейин Шохруҳ Мирзо сал-

танатни қўлга олган, тўнғич ўғли Улугбекни 1411 йилда Мовароуннахр ва Туркистонга ҳоким қилади. Ёш ҳокимга ҳарбий билим ўргатиш учун Шох Малик Отабеги қилиб тайинланади. Улугбек Самарқандда астрономия билан шуғулланар экан, Отабеги Шох Малик Шохруҳия далаларига баҳорги тоғ сувларини келтириш учун "Баҳорсой" катта аригини қазиб, унга Чирчиқ сувини улаш, Хонариқ, Ойтамғали, Қўштамғали, Элтамғали қишлоқ-

сонинг "Ахангаран" китобида маълумот берилган. Унда ўн километрга яқин ер ости йўли ўрганилган дейилади. Бу текширишда А. Мақсумжоновнинг ўқувчиси мийтонлик Алибой Ўташев ҳам иштирок этган.

1971 йилда эса яна ўн фидойи ўлкашунос, озиқ-овқат ва керакли қурулорлар олиб иккинчи текширишга бел боғлашади. Улар Алибой Ўташев ва ўлкашунослар – Абдурашид Ҳасанов, Турғунбой Топилов, Мусулмон Асқаров, Анвар Отахонов, спорт устаси Юрий ва Наташа Дерезаовлар муҳандис Зевид Газиев ҳамда Николай ва Света исмли ўқувчилар эди.

Текширувчилар Сирдарё қирғоғидан 300 метрча нарида кириш қисми, яъни арқага ўхшаш йўлак бошидан пастга қиялаб, дастлаб энгашиб, кейинчалик ўтирса бўладиган хонага дуч келишган. Ўртада тўғри йўлак бўлиб, ҳар уч-тўрт метр масофа оралабда ўнг ва чап тарафга тармоқланган одам тикка юриб кирса бўладиган хоналар борлигини аниқлашди. Йўл шу хоналардан тўғрига яна анча давом этаркан. Улар тўғри йўлдан 600-700 метр юришган, йўлларини тупроқ қўмиб қўйган жойдан ўтолмай, орта қайтишган. Бу ўзига хос экспедиция тафсилотлари ўша пайтлар Олмалиқ шаҳар газетасида эълон қилинган.

Қурбон ҲОШИМОВ,
фахрий ўқитувчи.

Реклама ва эълонлар

Тузатиш
"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ
"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2016 йил 24 сентябрдаги № 78 (12922)-сонида берилган эълондаги "2016 йил 10 октябрь кuni соат 11.00 да такордан бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига" ҳамда "2016 йил 25 октябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига" жумласи: "2016 йил 14 октябрь кuni соат 11.00 да такордан бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига" ва "2016 йил 28 октябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига" деб ўқилсин.

БИЛДИРИШ

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2016 йил 24 сентябрдаги 78 (12922)-сонида берилган, Янгийўл тумани СИБ томонидан "BEST REALTOR" МЧЖнинг аукцион савдосига чиқарилган Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Э. Қовуни ҚФЙ, Мушаккиллик кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 800 кв.м. бўлган уй-жойнинг хабарнома матнидаги "Аукцион савдолари 2016 йил 25 октябрь кuni соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 21 октябрь кuni соат 18.00" жумалари: "Аукцион савдолари 2016 йил 2 ноябрь кuni соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 31 октябрь кuni соат 18.00" деб ўқилишини маълум қиламиз.
Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (99895) 193-01-11.
Лицензия RR-0225.

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!
2016 йил 1 ноябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қўйидаги мол-мулк ва автотранспорт воситаси қўйилмоқда:
Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани СИБ томонидан 15.07.2015 йилги ҳукми ва № 4098-сонли ижро ҳужжати асосан, 2011 й. и.ч., "Дамас" русумли, д.р. 1053111ЕА. Бошланғич баҳоси - 15 000 000 сўм.
Тошкент вилояти, Янгийўл тумани СИБ томонидан ЖИБ Автотранспорт шахар, Чилонзор тумани, 25.03.2015 йилдаги №1-1108/14-сонли ижро ҳужжати асосан, бошланғич баҳоси - 1 289 441 243,70 сўм бўлган савабавотларни қайта ишлаш ускуналаридан иборат мол-мулк (сушилқа).
Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.
Юқоридаги автотранспорт воситаси ва мол-мулк билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кuni (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кuni қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотичи - "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улугбек тумани филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829804. Аукцион қўлиб сотиб олган автотранспорт воситаси қўйиматини 5 банк кuni мобайнида тўлалигича тўлаш шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (371) 233-81-44. Ҳувоҳнома 004593.

"K'O'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!
Аукцион савдосига Бўстонлик тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2016 йил 25 июлдаги 11-1635/8479-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Чим-бойлик ҚФЙ, Қизилсув қишлоғида жойлашган ер участкаси, умумий майдони 0,53 га, қурилиш остидаги участка майдони 1583,20 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 1409,15 кв.м. "Музлатилган омборхона" биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 621 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2016 йил 31 октябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 28 октябрь кuni соат 16.00 да.
Кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижрочилиги бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "K'o'shmas m'ulk savdo xizmat" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АЙТБ Сағбон филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 га тўлашлари шарт.
Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамий кўчаси, 1-А-уй. Тел./факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. hellsavdo@inbox.uz.
Лицензия: RR-0001.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!
2016 йил 5 ноябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:
Тошкент вилояти, Янгийўл тумани СИБ томонидан ФИБ Зангиота туманлараро судининг 15.12.2014 йилдаги № 6401-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гўлбаҳор ҚФЙ, Самарқанд кўчаси, 43-уй, 10-хонадон, умумий хоналари 88,84 кв.м.ли тураржой.
Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кuni (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кuni қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотичи - "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800050493650001, МФО 00996, ИНН 207125885. Аукцион қўлиб сотиб олган мулк қўйиматини 5 банк кuni мобайнида тўлалигича тўлаш шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. Ички 258.
Лицензия: RR-0052.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ БЎШ (ВАКАНТ) ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМЛАРИГА МЕЊНАТ ШАРТНОМАСИ АСОСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Кафедра мудири:

1. Мевачилик ва узумчилик кафедраси; 2. Умумий техника фанлари ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси; 3. Зоотехния кафедраси; 4. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва маркетинг кафедраси.

Профессорлар:

1. Ўсимликшунослик кафедраси; 2. Дехқончилик ва қўх мелiorация асослари кафедраси; 3. Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси (0,5); 4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси кафедраси; 5. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик кафедраси; 6. Ўсимликлар ҳимояси ва карантини кафедраси; 7. Ботаника ва агробиотехнология кафедраси; 8. Гуманитар фанлар кафедраси; 9. Қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси; 10. Қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервисни ташкил этиш кафедраси (0,75); 11. Қишлоқ хўжалигида электр энергетика ва электротехнологиялар кафедраси; 12. Ипакчилик ва тўқилиш кафедраси; 13. Ветеринария кафедраси (0,5); 14. Зоотехния кафедраси; 15. Доривор ўсимликлар ва экология кафедраси (0,5); 16. Ўрмончилик ва ўрмон мелiorацияси кафедраси; 17. Қишлоқ хўжалигида менежмент кафедраси.

Доцентлар:

1. Ўсимликшунослик кафедраси; 2. Дехқончилик ва қўх мелiorация асослари кафедраси; 3. Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси; 4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси кафедраси; 5. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик кафедраси; 6. Ўсимликлар ҳимояси ва карантини кафедраси; 7. Ботаника ва агробиотехнология кафедраси; 8. Гуманитар фанлар кафедраси; 9. Қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси; 10. Қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервисни ташкил этиш кафедраси (0,75); 11. Қишлоқ хўжалигида электр энергетика ва электротехнологиялар кафедраси; 12. Ипакчилик ва тўқилиш кафедраси; 13. Ветеринария кафедраси (0,5); 14. Зоотехния кафедраси; 15. Доривор ўсимликлар ва экология кафедраси (0,5); 16. Ўрмончилик ва ўрмон мелiorацияси кафедраси; 17. Қишлоқ хўжалигида менежмент кафедраси.

Ассистентлар:

1. Ўсимликшунослик кафедраси; 2. Дехқончилик ва қўх мелiorацияси кафедраси; 3. Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси; 4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси кафедраси; 5. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик кафедраси (0,5); 6. Ўсимликлар ҳимояси ва карантини кафедраси; 7. Ботаника ва агробиотехнология кафедраси; 8. Гуманитар фанлар кафедраси; 9. Қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси; 10. Қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервисни ташкил этиш кафедраси (0,75); 11. Қишлоқ хўжалигида электр энергетика ва электротехнологиялар кафедраси; 12. Ипакчилик ва тўқилиш кафедраси; 13. Ветеринария кафедраси (0,5); 14. Зоотехния кафедраси; 15. Доривор ўсимликлар ва экология кафедраси (0,5); 16. Ўрмончилик ва ўрмон мелiorацияси кафедраси; 17. Қишлоқ хўжалигида менежмент кафедраси.

10. Қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси; 11. Қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервисни ташкил этиш кафедраси (0,75); 12. Қишлоқ хўжалигида электр энергетика ва электротехнологиялар кафедраси; 13. Зоотехния кафедраси (0,5); 14. Қишлоқ хўжалигида менежмент кафедраси; 15. Ветеринария кафедраси; 16. Зоотехния кафедраси (0,75); 17. Доривор ўсимликлар ва экология кафедраси (0,5); 18. Ўрмончилик ва ўрмон мелiorацияси кафедраси; 19. Қишлоқ хўжалигида менежмент кафедраси; 20. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва маркетинг кафедраси; 21. Информатика ва ахборот технологиялари кафедраси (0,5); 22. Олий математика, физика ва кимё кафедраси.

Катта ўқитувчилар:

1. Олий математика, физика ва кимё кафедраси; 2. Ўсимликлар ҳимояси ва карантини кафедраси; 3. Гуманитар фанлар кафедраси; 4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси кафедраси; 5. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик кафедраси (0,5); 6. Ўсимликлар ҳимояси ва карантини кафедраси; 7. Ботаника ва агробиотехнология кафедраси; 8. Гуманитар фанлар кафедраси; 9. Қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси; 10. Қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервисни ташкил этиш кафедраси (0,75); 11. Қишлоқ хўжалигида электр энергетика ва электротехнологиялар кафедраси; 12. Ипакчилик ва тўқилиш кафедраси; 13. Ветеринария кафедраси (0,5); 14. Зоотехния кафедраси; 15. Доривор ўсимликлар ва экология кафедраси (0,5); 16. Ўрмончилик ва ўрмон мелiorацияси кафедраси; 17. Қишлоқ хўжалигида менежмент кафедраси.

Ассистентлар:

1. Ўсимликшунослик кафедраси; 2. Дехқончилик ва қўх мелiorацияси кафедраси; 3. Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси; 4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси кафедраси; 5. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик кафедраси (0,5); 6. Ўсимликлар ҳимояси ва карантини кафедраси; 7. Ботаника ва агробиотехнология кафедраси; 8. Гуманитар фанлар кафедраси; 9. Қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси; 10. Қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервисни ташкил этиш кафедраси (0,75); 11. Қишлоқ хўжалигида электр энергетика ва электротехнологиялар кафедраси; 12. Ипакчилик ва тўқилиш кафедраси; 13. Ветеринария кафедраси (0,5); 14. Зоотехния кафедраси; 15. Доривор ўсимликлар ва экология кафедраси (0,5); 16. Ўрмончилик ва ўрмон мелiorацияси кафедраси; 17. Қишлоқ хўжалигида менежмент кафедраси.

ланиш ва техник сервисни ташкил этиш кафедраси; 11. Қишлоқ хўжалигида электр энергетика ва электротехнологиялар кафедраси; 12. Зоотехния кафедраси (0,5); 13. Қишлоқ хўжалигида менежмент кафедраси; 14. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва маркетинг кафедраси; 15. Информатика ва ахборот технологиялари кафедраси.

Ўқитувчилар:

1. Жисмоний маданият ва спорт кафедраси; 2. Хорижий тиллар кафедраси.

Танлов учун ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Талаб қилинадиган ҳужжатлар: ректор номига ёзилган ариза, сўровнома, таржимаи ҳоли ва маъруза кафедраларда ишлаш учун тегишли олий маълумоти ҳақидаги дипломи ва қатнашчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва иштироқлар мавжуд бўлган тақдирда уларга тегишли дипломлар, аттестатлар нусхалари ва илмий ишлар рўйхати, малака ошириш тўғрисидаги ҳувоҳнома.

Танловга тушган барча ҳужжатлар олдиндан кафедра мажлисида қўриб чиқилади. Илгари кафедрада ишлаган шахсларнинг ҳужжатларини қўриб чиқишдан олдин улар томонидан синов лекциялари (университет профессор-ўқитувчилари учун – очик машғулотлар) ўтказилади. Синов лекциялари ва очик машғулотлар мавзулари кафедра предметлари бўйича ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак. Танлов қатнашчиларини тест синовларидан ўтказишга йўл қўйилади.

Илгари ўзлари эгаллаб турган лавозим учун танловда қатнашувчи шахслар кафедра мажлисида танловдан олдинги даврдаги илмий-педагогик, методик, тарбиявий ва бошқа ишлари тўғрисида ҳисобот беради.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга топширилади:

100140, Тошкент-140, Тошкент Давлат аграр университети, бош бино, 3-қават, ходимлар бўлими. Телефон: 260-39-85.

Реклама ўрнида

ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ҚИБРАЙ ТУМАНИ КЕНГАШИ

ж а м о а с и
озод ва обод юрт
фарзандларини
ҳар томонлама етук ва
баркамол инсонлар этиб
тарбиялаш йўлида
самарали меҳнат
қилаётган ўқитувчи ва
мураббийларни
касб байрамлари
билан қизғин қутлайди.



Шанба сабоқлари

ДАБДАБАСИ... ДАБДАЛА БЎЛДИ

Бувим билан бувавлар кўп йиллар бирга яшаб, тўрт фарзандни уйли-жойли қилишган. Аммо, бирор марта ҳаётдан нолиганларини эшитмаганман.

– Бувангга турмушга чиққанымда, – деган эдилар бувим, – тўй дастурхонида зоғора нону туршак ва майиздан бўлак нарсаси бўлмаган. Бувангнинг уйига битта кўрпа, иккита ёстиқ, иккита кўрпача, битта кўйлак ва бир камзул билан келганман. Бойлигимиз бўлмаса ҳам бахтимиз бутун эди. Турмушнинг мушти тушганда бирга кўтардик, хурсандчиликларни ҳам бирга баҳам кўрдик...

Баъзан ёш оилаларнинг турли арзимас сабаблар билан бузилиб кетаётганини эшитиб қоламиз. Аксариятига сабаб, афсуски, мол-давлат моjarоларидир.

Бугун қиз узатаётган ёхуд

ўғлини уйлантираётган ота-она кўпроқ моддий таъминотга зўр бермоқда. Бўлажак қудаларнинг касб-корию амали ва топиш-тутиши кўпроқ қизиқтирмоқда. Ёшларнинг мустақил ҳаётга тайёрилиги, маънавияти, дунёқараши ҳақида деярли ўйлашмайди.

Қизининг сарпосига гарнитурдан тортиб, тиш кавлагичга қўшаётган, ўғлининг никоҳдан ўтиш маросимига ўзлари умрларида кўрмаган 15-20 талаб чет эл машиналарини қаторлаштириб, пулни беҳуда совураётган ота-оналарни, тўйдан кейин ҳеч қанча вақт ўтмай, ёш оила бузилиб, ўртадаги мол-мулкни деб бир-бирларини суд-ма-суд судраётган қудаларни, энг ачинарлиси, тирик етимга айланиб, ота-оналар меҳридан бебаҳра ўсаётган гўдакларни кўриб ёқа ушлайди, киши.

Яқинда ўзига тўқ оилалар қуда бўлишди. Тўй ўтгач, ёшларни асал ойини ўтказишга хорижга жўнатишди. Аммо, сафар "ой кўрмай жон берди". Ёшлар ажралишга қарор қилишипти. Келин-куёв феъл-атворда бамисли дарёнинг икки қирғоғи экан. Шундан сўнг бошланган моjarолар охириқабат судлашишгача бориб етди.

Энди савол туғилади, ҳали бир ой ҳам бирга яшамаган ёшларга нима етмади? Жавоб эса битта, бу тўқликка шўхликдан бошқа нарсаси эмас. Бизнингча, пировард хулоса ҳам ягона. Ота-оналар фарзандига тахт эмас, оддий бахт яратиб бериш зарурлигини тушуниб етмас эканлар, ёш оилалар бузилаверади, гўдаклар тирик етим бўлиб қолаверади.

Мухлис БЕК.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

барча устозларни
1 октябрь – Ўқитувчи ва
мураббийлар куни
билан қутлайди!

Мустақил Ўзбекистоннинг янги авлодини тарбиялаш, ўғил-қизларимизни аждодларимизнинг бой маънавий-маданий меросига, умуминсоний қадриятларга меҳр-муҳаббат руҳида камол топтиришдек шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.



Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
**Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ**

Маъзилми: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Фарҳод ТОЛИПОВ
Назоратчи мусоҳҳиҳ
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ